

**БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИГА ДОИР
(ТУРК СЕРИАЛЛАРИ ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)**

САРВАРА ИРИСАЛИЕВНА ТАШАЛИЕВА

Камта ўқитувчи, Хорижий тиллар кафедраси, Ўз ЖОКУ

Аннотация: Мазкур мақолада бадиий таржимада аслият мазмунининг берилиши, муқобил лексемаларни танлаш, лисоний фарқларнинг идрок этилиши билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилади. Турк сериалларининг ўзбекча таржималарида кузатилган баъзи камчиликлар таҳлил этилади.

Калим сўзлар: бадиий таржима, таржимада мувофиқлик, экстраглигвистик унсурлар, аслият мазмуни, муқобил танлаш

Annotation: This article deals with issues related to rendering of original content, choice of alternative lexemes, perception of linguistic differences in literary translation. Some shortcomings observed in Uzbek translations of Turkish serials are analyzed.

Key words: artistic translation, consistency in translation, extralinguistic elements, original content, alternative selection.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с передачей оригинального содержания, выбором альтернативных лексем, восприятием языковых различий в художественном переводе. Анализируются некоторые недостатки, наблюдающиеся в узбекских переводах турецких сериалов.

Ключевые слова: художественный перевод, последовательность перевода, экстраглигвистические элементы, оригинальное содержание, альтернативный выбор.

Бадиий- адабий таржимада аслият ва таржима матнлари, бу воқелик манзарасининг икки тимсолидир. Бу матнлар китобхон учун

тимсоллар тимсоли ҳисобланади. Бир тилдан иккинчи тилга ўгириш лисоний-фикрий қайта яратиш жараёнигина бўлиб қолмай, ўзаро муқояса қилинаётган тимсолларнинг, манзара ва тасаввурларнинг, ҳатто қаҳрамонлар нутқининг моҳиятий-мантиқий, миллий ва услубий тавсифини, ўзига хослигини сақлаб қолиш жараёни ҳам ҳисобланади. Шу жиҳатдан таржима лингвистик амалгина эмас, маданиятлараро ўзига хос қиёсий таҳлил ҳамдир. Бу ўз-ўзидан нотаниш маданият унсурлари ёки тушунчалари гуруҳига хос сўз-атамаларни(масалан, тўн, чопон, чакмон, яктак; ариқ, анҳор, жилға....) таржимада беришнинг энг мақбул усули ва воситасини танлашни тақозо этади. Зеро, мутлақ муқобил, мутаносиб таржиманинг бўлиши ҳам қийин. Таржима айнанлиги эса нисбий тушунча. Аслият матни билан таржима матни ўртасидаги лисоний фарқлар қиёсланаётган ҳар икки тилнинг барча сатҳлар бўйича ўзаро мувофиқ эмаслиги билан белгиланади. Кўпинча бундай фарқлар мазмун сатҳида эмас, асосан ифода шакли сатҳида кўзга ташланади. Аммо бу матн мазмуний мундарижаси унсурлари бир-бирига айнан мос келади, дегани эмас. Чунки коммуникантлар тагбилими билан боғлиқ англашиладиган мантиқий- маънавий ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Бир мисол: “ Токчадаги бешинчи чироқ пиҳиллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди. Туробжон ҳам дарча ёнига ўтирди. Шипнинг қаеридир кирс этди, қаердадир калтакесак чирқиллади”.(А.Қаххор. “Анор” ҳикоясидан).

Ушбу тасвирдан зарур тагбилимга эга китобхон қуйидаги мазмунни ҳам bemalol идрок эта олади: “бешинчи чироқ”- ҳам арzon, ҳам керосин кам сарфланадиган, шифтга осилмайдиган, кичик шишиали чироқ. Қадимда камбағалнинг кулбасида дераза эмас, битта-ю битта кичкинагина дарча(туйнук) бўлишини, шоҳ-шабба устига лой босилган шипнинг қирс этиши, деворлари ковак, яхши сувалмаган девор ковакларида калтакесакнинг “чирқиллаши” табиий бир ҳол эканлиги ҳақидаги ахборот ҳам ифода этилган. Демак, турфа хил нолисоний тажриба ва малака билан

боғлиқ бўлган экстралингвистик унсурлар (гарчи улар матнда ифодаланмаган бўлса-да) маълум тагбилимни тақозо этади. Бу ҳолат ҳам эътиборда тутилиши зарур.

Аслият мазмунини яхши идрок этмаслик, у ўгирилаётган тилнинг сўз бойлигини, грамматик қурилиши ва услубий имкониятларини чукур ҳис қилмаслик таржима тилида сунъийликнинг юзага келишига, турли нуқсон ва ғализликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Миллатлараро муносабатлар кенгайган, маданий алоқалар ривожланган, ижод эркинлигига кенг йўл очилган ҳозирги даврда айрим тезкор таржимонлар қаламига мансуб баъзи таржималар ва улар матнida кўзга ташланаётган ғализликлар нафақат мутахассис, балки оддий китобхон ёки томошабиннинг ғашига тегаётганлиги, уни бадиий адабиётдан бездираётганлиги сир эмас. Бу айниқса сўнгги йилларда эфирга узатилаётган турк сериаллари намойишида ҳам кўзга ташланади.

Тўғри, бу сериалларнинг ёзма таржима нусхаси, унинг муаллифи, муҳаррири, бадиий раҳбари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аммо кўз ўнгимизда ҳар бир воқеа, жараён, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, муносабатларини яққол кўрсатиб турган турли маънодаги сўзлар, жумлалар, хитоблар ҳам ижобий, ҳам салбий таъсири билан кишини бефарқ қолдирмайди, албатта. Шулардан баъзиларини таҳлил қилишни лозим топдик. Эшлиш ёрдамида ажратиб олинган бу кўчирмалар асосан қаҳрамонлар нутқига хос.

“Отанг билмасин” номида берилган ҳажвий-юмористик услубдаги сериалда асосан битта хонадондаги воқеа, оила ва турмуш можаролари кўрсатилган. Бу хонадоннинг бекаси асосий қаҳрамонлардан бири. У ҳаётда турли кечинмаларни, ҳаяжонли дамларни кечираётган аёл тимсоли. Аёлнинг нутқида ҳар сафар, ҳар сонияда жаранглаётган туркча “Ay! Ay!” ундов сўзи ўзбекча матнга мутлақо ёпишмаган десак, хато қилмаган бўламиз. Эътибор беринг: Ай, кимлар келди? Ай, эсимдан чиқибди!

Хаммага аёнки, ундов ва тақлид сўзлар ўзга тилдан олинмайди, фақат тасодифан шаклан тенг келиб қолишини ҳисобга олмагандан: Ау!-турк тилида

Ай, ой-рус тилида.

Улар миллийлиги билан бошқа сўзлардан ажралиб туради. Ўзбек тилида эса “ай” ундови йўқ. Шундай экан, ушбу жумлада оддийгина “вой” ундовини ишлатиш ўринли бўларди. Зоро, ўзбек тилининг хитоб, ҳаяжон англатувчи сўз ва сўзшаклларга бойлиги, уларнинг маънодош қўлланишлари барчага бирдек маълум. Қиёсланг: “вой”-“ажабо”-“ё,тавба”, -“наҳотки”. Шахснинг субъектив муносабатини, ижобий ҳис-туйғусини билдиришга хизмат қилувчи сўзлар таржимасида ҳам худди шунга ўхшаш ҳол кузатилади. Чунончи, оддий муомалада, сўзлашувда қўлланиши лозим бўлган “айланай”, “ўргилай” сўзларининг ўрнида “қурбон бўлай” ифодасининг ишлатилгани ноўрин. Турк тилидаги “*kurban olayim*” нинг сўзма-сўз таржимаси бўлган бу ифода услубий қийматига кўра фарқли.

“Зерда” номли сериалда шундай жумла бор. Айнан келтирамиз:хасратни биласиз, иси бурнимдан кетмайди. Турк тилида “*hasret*” сўзи “соғинч” деган маънони англатади. Бу гап “ Соғинч нималигини биласиз” шаклида ўгирилиши керак. Демак, таржимон ҳар икки тилдаги сўзнинг лугавий маъно мундарижасини англаш етмагани ҳолда гап тузиб, матнни у тилдан бу тилга ўгиряпти. Назаримизда, турк тилидаги “жуда ҳам соғиндим” деган маънони англатувчи “*burnumda tütyor*” ибораси сўзма-сўз нотўғри таржима қилинган. “*Kalbini kirdim*” (дилини оғритмоқ)ибораси ҳам “юрагингни оғритдим” тарзида ўгирилган.

Шу ўринда таъкилаш керакки, турк ва ўзбек тиллари лексик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш. Айнан шу ўхшашлик таржима жараёнида эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки шаклан яқин бўлган сўзлар ҳар доим ҳам бир маънони англатмайди. Бу жиҳатларни эътибордан четда қолдирсан таржима матни тушунарсиз ва ғализ бўлади. Масалан: Сен унга асло юз берма. Бу гапда “*yüz vermek*” ибораси сўзма-сўз таржима қилинган. Бунинг

ўрнига ўзбек тилидаги “ён босмоқ” ибораси ишлатилиши керак эди. Турк тилида “Hakkını helal et”, яъни ўзбекча “рози бўлинг” маъносидаги аналитик феъл шаклини айнан туркча андозада “ҳаққингизга рози бўлинг” тарзида, “кутилмаган меҳмон” маъносидаги “Tanrı misafiri ” иборасини эса “худо юборган меҳмон” тарзида ўгирилиши тўғри эмас. “ aklinizda” сўз шаклини “ақлингизда”деб эмас, балки “Эсингизда” шаклида , “ canım istemedi” эса “кўнглим истамади” эмас, “ҳоҳламадим” тарзида ўгирилиши керак. “Ишқ эртаги” номли сериалда бир қаҳрамон “Ёввойи мушукдек кириб келдинг” деб айтади. Бойларнинг зиёфатига келиб қолган қизга қаратা айтилган бу жумла тушунарсиздек. Аслида қаҳрамон ёввойи мушукни эмас, золушкани назарда тутади.

Бу камчиликлар ва ғализликлар семантик ўзгаришларга ёки тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Чунки аслиятда ишлатилган иборалар менталитет, қаҳрамонларнинг ижтимоий мавқеи, воқеаларга ёндашуви ҳақида кўп маълумот беради. Шунингдек, иборалар ва қолип ифодалар кўплаб маданий элементларни ўз ичига олади ва маданиятнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу сабабли телесериални дубляж қилишда иборалар ва қолип ифодалар таржимасига алоҳида аҳамият бериш керак.

Таржимон тилни яхши билишидан ташқари, муайян халқнинг маданияти, урф-одатларини, адабиётини ҳам мукаммал ўргангандан бўлиши лозим. Бадиий тил воситаларини тўғри танлай оладиган таржимон, таржима матнининг тўғри ва таъсирчан чиқишини таъминлай олади. Сериалларда миллий колоритнинг берилиши, тўғри сўз танланиши, асар мазмунини аниқ етказиб беришга хизмат қиласи. Таржима жараёнида аслиятга мос қеладиган, тўғри муқобилни топиш билан боғлиқ ғализликлар ҳали таржимашуносликда, таҳриршуносликда, режиссурада амалий муаммолар кўплигидан далолат беради.

АДАБИЁТ РУЙҲАТИ:

1. Тошалиев И. Адабий таҳрир асослари.-Т.;ЎзМУ,2001, 20-б;
2. Санжар Сиддик. Адабий таржима санъати, ЎзАС, 1991-йил, 22-ноябрь.
3. G‘aybulla Salomov. Tarjima nazariyasiga kirish. Toshkent: "O‘qituvchi". 1978.
4. E.Ochilov. Tarjima nazariyasi va amaliyoti (o‘quv qo‘llanmasi) 2012yil. 7-bet.
5. Hamidov, Xayrulla, and Marxabo Abdullayeva. "Frazeologizmlarning o‘zbekcha muqobil variantlari va funksional xususiyatlari. Konferensiylar| Conferences, 1 (8), 14–21." (2024).
6. Hamidov, Xayrulla, and Arzu Karausta. "TURKCHAGA ARAB TILIDAN O‘ZLASHGAN JURNALISTIKAGA OID TERMINLAR XUSUSIDA." Konferensiylar| Conferences. Vol. 1. No. 1. 2023.
7. Mannonov, Abdurahim, Hamidov, Xayrulla ВЕВАНО ХАЗИНА ("Turkiy adabiyot durdonalari" tilimizda) // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bebaho-xazina-turkiy-adabiyot-durdonalari-tilimizda>.